ЎзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 130 (19.206). ● 1985 йил 7 июнь, жума ● Баҳоси 3 тийин.

**КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!**

## ВИСТАВКА БОРИБ КЎРИЛДИ

5 июнь куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Москвадаги Марказий кўргазма залида совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ тасвирий санъат виставкасини бориб кўрди.

Виставкани кўздан кечириш чоғида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат П. Н. Демичев, КПСС Марказий Комитети маданият бўлимининг мудири В. Ф. Шауро, СССР Рассомлар союзи правлениесининг раиси Н. А. Пономарев, СССР бадиий академиясининг президенти Б. С. Угаров ўртоқ М. С. Горбачевга ҳамроҳлик қилдилар.

# ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛГА— ЗАРБДОР СУРЪАТ!

## ФАРҒОНА ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

**Фарғона областининг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, КПСС XXVII съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, пилла етиштириш ва тайёрлаш планини муддатидан аввал 4 июнда бажардилар.**

**Давлатга 5655 тонна табиий ипак хом ашёси сотилди, ҳар қути қурт уруғидан 66,6 килограмм пилла олинди, унинг 90 проценти олий навларга топширилди. Беш йиллик пландан ташқари 2000 тоннадан кўпроқ пилла тайёрланди.**

**Табиий офатлар: қаттиқ бўронлар, жала-ёмғирлар ва дўл тут барги ҳосилига зиён етказди. Энг қийин кунларда Тожикистоннинг мусобақадош Ленинобод области, шунингдек Сурхондарё ва Бухоро областлари меҳнатчилари ёрдамга келдилар, улар кўп миқдорда тут барги етказиб бердилар. Мана шуларнинг ҳаммаси ипак қурти боқишни муваффақиятли тугаллаш имконини берди.**

**Ҳамма жойда пиллачи мутахассислар қурт боқишнинг агротехника қоидаларига риоя этилиши, бу соҳада илм-фан ютуқларидан, ишлаб чиқариш новаторларининг илғор тажрибасидан кенг фойдаланилиши устидан қатъий контролликни таъминладилар. Ҳамма жойда пиллачилар «Барака» ва «АТ—20» биостимуляторларинн қўлландилар. Ўзбекистон районининг пиллачилари план ва социалистик мажбурият бажарилганлиги ҳақида областда биринчи бўлиб рапорт бердилар. Қува, Тошлоқ, Охунбобоев, Бағдод, Киров, Ленинград, Бувайда, Фрунзе, Олтиариқ, Ёзёвон районларининг пиллачилари ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Қимматли саноат хом ашёсини териш ва топшириш давом этмоқда. Риштон, Фарғона районлари ва Қувасой шаҳри пилла тайёрлаш планларини бажариш арафасида турибдилар.**

**Ўзбекистон районидаги Ғ. Ғулом номли, Ленинград районидаги Энгельс номли, Бувайда районидаги К. Маркс номли, Охунбобоев районидаги В. И. Ленин номли, Олтиариқ районидаги «Пахтаобод», Тошлоқ районидаги «Оқ олтин», Бағдод районидаги «Большевик», Риштон районидаги «Коммунизм», Ёзёвон районидаги Охунбобоев номли колхозларнинг пиллачилари ҳар қути қурт уруғидан ўрта ҳисобда 75—85 килограмм пилла ҳосили олиб, катта ҳисса қўшдилар.**

**Киров районидаги Киров номли совхоздан Р. Фозилов, Фарғона районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхоздан Т. Худойназарова, Олтиариқ районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Х. Мирзакаримова, Ўзбекистон районидаги Ғ. Ғулом номли колхоздан С. Кенжаев, Ленинград районидаги Энгельс номли колхоздан Т. Ғафурова, Ўзбекистон районидаги «Комсомол» совхозидан М. Собиров бошлиқ бригадалар ва бошқа кўпгина пиллачилик бригадалари юксак марраларга эришиб, ҳар қути қурт уруғидан 90—100 килограмм пилла олдилар.**

**Кўпгина ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари бу йилги мавсумда қимматбаҳо саноат хом ашёсидан рекорд ҳосил олдилар. Энг яхшилар орасида Олтиариқ районидаги Энгельс номли колхоздан СССР Давлат мукофотининг лауреати Ф. Қўзибоева, Ўзбекистон районидаги Ленин номли колхоздан Т. Хошимова, Қува районидаги «Социализм» колхозидан Т. Ашурова, Бағдод районидаги «Большевик» колхозидан У. Абдуллаева, Риштон районидаги Навоий номли совхоздан Т. Ғафурова, Ёзёвон районидаги Охунбобоев номли колхоздан Б. Бозорова, Фарғона районидаги Ленин номли совхоздан Д. Исоқова, Фрунзе районидаги Охунбобоев номли совхоздан К. Абдуалимова, Киров районидаги «Москва» колхозидан Н. Эргашева, Қувасой шаҳридаги М. Горький номли совхоздан Т. Тошматова ва ҳар қути қурт уруғидан 100—120 килограмм пилла олган бошқа минглаб миришкор пиллачилар бор.**

**Область пиллачилари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, пландан ташқари 275 тонна пилла етиштиришга ва олинган мажбуриятни ортиғи билан бажариб, давлатга 5925 тонна қимматбаҳо хом ашё топширишга қарор бердилар.**

### ҲУРМАТ ТАХТАСИ

**Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:**

**Фарғона области** — область партия комитетининг секретари Ҳ. У. Умаров, область ижроия комитетининг раиси А. Р. Рустамов, область комсомол комитетининг секретари В. Н. Зинин, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи А. Р. Раҳимов.

**Сурхондарё области** — область партия комитетининг секретари А. К. Каримов, область ижроия комитетининг раиси Р. С. Эргашев, область комсомол комитетининг секретари А. А. Аҳмедов, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи А. С. Соатмуродов.

**Наманган области** — область партия комитетининг секретари Н. Р. Ражабов, область ижроия комитетининг раиси Б. Ж. Ҳакимов, область комсомол комитетининг секретари Т. М. Шамсибоев, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи Р. Умарова.

**Наманган шаҳри** — шаҳар партия комитетининг секретари Ш. М. Йўлдошев, шаҳар ижроия комитетининг раиси Я. Якборов, шаҳар комсомол комитетининг секретари М. Турсунов, пиллачи-агроном С. Кўпайсинов.

**Олтинкўл районн** — район партия комитетининг секретари Н. Қ. Қодиров, район ижроия комитетининг раиси П. К. Умаров, район комсомол комитетининг секретари А. А. Исабоев, бош пиллахона директори О. Асранов.

**Москва районн** — район партия комитетининг секретари Н. Турсунов, район ижроия комитетининг раиси С. Ашуров, район комсомол комитетининг секретари З. Салоҳиддинов, бош пиллахона директори Э. Йўлдошев.

**Андижон районн** — район партия комитетининг секретари Н. Абдулазизов, район ижроия комитетининг раиси М. Султонов, район комсомол комитетининг секретари Р. Қўчқоров, бош пиллахона директори К. Ёқубов.

**Конимех районн** — район партия комитетининг секретари А. С. Петросян, район ижроия комитетининг раиси Ж. Норқулов, район комсомол комитетининг секретари Б. Мунасаров, бош пиллахона директори К. Ҳамроев.

**Уйчи районн** — район партия комитетининг секретари С. Тошпўлатов, район ижроия комитетининг раиси Т. Шерматов, район комсомол комитетининг секретари О. Н. Отахонов, бош пиллахона директори Г. Отажонова.

**Пахтачи районн** — район партия комитетининг секретари Т. Номозов, район ижроия комитетининг раиси П. Бозоров, район комсомол комитетининг секретари Р. Умарова, бош пиллахона директори Н. С. Пишчинская.

**Иштихон районн** — район партия комитетининг секретари А. А. Тиллаев, район ижроия комитетининг раиси А. Санаев, район комсомол комитетининг секретари К. Мамадиёров, бош пиллахона директори Т. Таштанов.

**Ёзёвон районн** — район партия комитетининг секретари Р. Сафаров, район ижроия комитетининг раиси А. Г. Ҳайрутдинов, район комсомол комитетининг секретари М. Иномов, бош пиллахона директори Т. Исабоев.

**Ворошилов районн** — район партия комитетининг секретари С. Ю. Отахонов, район ижроия комитетининг раиси Н. Ҳ. Мирзаев, район комсомол комитетининг секретари Ҳ. Ш. Маматқулов, бош пиллахона директори Н. Худойбердиев.

**Бағдод районн** — район партия комитетининг секретари Т. Имомалиев, район ижроия комитетининг раиси К. П. Хошимов, район комсомол комитетининг секретари Ҳ. Ҳошимов, бош пиллахона директори С. Самадов.

**Ленинград районн** — район партия комитетининг секретари А. Мираҳмедов, район ижроия комитетининг раиси О. Б. Эргашев, район комсомол комитетининг секретари М. Я. Азимова, бош пиллахона директори А. Иброҳимов.

**Тошлоқ районн** — район партия комитетининг секретари А. Хўжаев, район ижроия комитетининг раиси А. Ҳожимуродов, район комсомол комитетининг секретари М. Э. Маҳмудов, бош пиллахона директори Р. Қодиров.

**Фрунзе районн** — район партия комитетининг секретари А. Раҳимов, район ижроия комитетининг раиси М. Хўжаев, район комсомол комитетининг секретари Н. Аминжонов, бош пиллахона директори Р. Эшматов.

**Яккабоғ районн** — район партия комитетининг секретари Ҳ. Ф. Ғайбуллаев, район ижроия комитетининг раиси М. Узоқова, район комсомол комитетининг секретари С. Орипов, бош пиллахона директори М. Очилов.

**Наманган районн** — район партия комитетининг секретари Н. Отахонов, район ижроия комитетининг раиси А. В. Камолов, район комсомол комитетининг секретари Т. Ҳайдаров, бош пиллахона директори Т. Ворисов.

**Комсомолобод районн** — район партия комитетининг секретари И. Дадахонов, район ижроия комитетининг раиси Я. Мўминов, район комсомол комитетининг секретари А. Р. Ҳолқулов, бош пиллахона директори Н. Ғаниев.

**Оққўрғон районн** — район партия комитетининг секретари З. Т. Мақсумов, район ижроия комитетининг раиси А. Қосимов, район комсомол комитетининг секретари Ж. Абдуллаев, бош пиллахона директори Ж. Элчибоев.

**Норин районн** — район партия комитетининг секретари М. А. Мирзабоев, район ижроия комитетининг раиси Р. Худойбердиев, район комсомол комитетининг секретари О. О. Эргашев, бош пиллахона директори Т. Бозоров.

**Хатирчи районн** — район партия комитетининг секретари Р. Маҳманов, район ижроия комитетининг раиси О. Хушвақов, район комсомол комитетининг секретари Б. Мардиев, бош пиллахона директори В. Н. Югай.

**Олтинсой районн** — район партия комитетининг секретари А. Э. Тўрақулов, район ижроия комитетининг раиси Т. Абдураҳмонов, район комсомол комитетининг секретари А. Ҳ. Шомуродов, бош пиллахона директори А. Соатов.

**Киров районн** — район партия комитетининг секретари С. Марасулов, район ижроия комитетининг раиси Р. Обидов, район комсомол комитетининг секретари М. М. Раҳматуллаева, бош пиллахона директори С. Аҳмадов.

**Косонсой районн** — район партия комитетининг секретари С. Каримов, район ижроия комитетининг раиси А. Жаффаров, район комсомол комитетининг секретари Р. Х. Кенжаев, бош пиллахона директори А. Отамирзаев.

**Тўрақўрғон районн** — район партия комитетининг секретари К. Мамарасулов, район ижроия комитетининг раиси А. Иброҳимов, район комсомол комитетининг секретари З. Юнусова, бош пиллахона директори Р. Исамуҳамедова.

**Оқолтин районн** — район партия комитетининг секретари П. Йўлдошев, район ижроия комитетининг раиси Н. Фозилов, район комсомол комитетининг секретари Р. Нормуродов, бош пиллахона директори А. Сафаров.

**Бўка районн** — район партия комитетининг секретари К. Б. Мамедов, район ижроия комитетининг раиси А. Абдужабборов, район комсомол комитетининг секретари С. Султонов, бош пиллахона директори М. Аҳмедова.

**Пискент районн** — район партия комитетининг секретари У. Я. Баҳодиров, район ижроия комитетининг раиси М. Халилов, район комсомол комитетининг секретари Т. Туронов, бош пиллахона директори А. Арислонов.

## КАРВОНЛАР

Кўкда юлдузлар порлаяпти. Қабул пунктига пилла ортган машиналар оқими келмоқда. Электр чироқлари ёруғида «кумуш тола» кўзни қамаштиради.

— Ҳозиргина «Нарпай» совхозидан навбатдаги карвонни қабул қилиб олдик, — дейди пилла уруғчилиги совхози директори С. Бозоров. — Ҳосил сифати юқори, тоши ҳам оғир. Бу пилла уруғининг сифатли бўлишидан далолат беради.

«Нарпай» совхозининг пиллакорлари юқори натижаларга эришаётганлиги қувонарлидир. Шу кунгача хўжаликнинг Зумрад Давронова, Муслима Нарзиева, Зулайҳо Жумаевалар бошлиқ звенолари ҳар қути уруғдан 130—150 килограммдан пилла топширишди. Совхоз бўйича эса бу кўрсаткич пландаги 72,4 килограмм ўрнига ўртача 98 килограммни ташкил этяпти.

Совхоз пиллакорлари 327 қути уруғдан шу кунгача 29031 килограмм пилла топширдилар. «Кумуш тола» ижодкорлари ялпи ҳосилни 30 тоннага етказиш мажбуриятини олишган.

Муваффақиятларнинг омиллари кўп. Совхозда илғорлар тажрибасини татбиқ этиш, социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш, пиллакорларга намунали шарт-шароит яратишга катта эътибор берилмоқда. Энг асосийси, пилла учун мўл-кўл озуқа базаси яратилган. Масалан, шу йилнинг ўзида совхозда 40 минг туп тут кўчати экилди.

Навоий районининг бошқа хўжаликларида ҳам пилла топшириш жадал олиб борилаётир. «СССР 60 йиллиги» совхози планни бажарди. «Қизил Ўзбекистон» совхози марра сари яқинлашиб келмоқда. Бу йил районда ҳар қути қурт уруғидан 74,1 килограммдан пилла етиштиришга аҳд қилинган.

Районда пиллакорларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Социалистик мусобақа илғорлари маънавий ва моддий рағбатлантириб борилмоқда. Пилла қабул қилиш пунктларида умумий овқатланиш корхоналари шохобчалари хизмати намунали йўлга қўйилган. Пункт навбатчиларидан зарур маълумотни истаган пайтингизда олишингиз мумкин.

Қизилтепа районида ҳам пиллани териш ва топшириш яхши йўлга қўйилган. Тўрт хўжалик мажбурият ҳисобига ҳосил топширмоқда. Район ҳадемай планни бажаради. Навбаҳор, Хатирчи районлари ипак тола усталари ҳам пилла топширишни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.

Умуман, Навоий области меҳнаткашлари бу йил давлатга минг тонна пилла топшириш мажбуриятини қабул қилишган. Айни пайтда областнинг аксарият хўжаликларида маҳсулот тайёрлаш қизғин паллага кирди.

**А. ҚОРЖОВОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# „СОЮЗ Т-13“ ПАРВОЗДА

## ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1985 йил 6 июнь куни Москва вақти билан соат 10 дан 40 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз Т—13» космик кемаси учирилди. Уни кема командири икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси полковник Владимир Александрович Жонибеков билан борт инженер Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Виктор Петрович Савиниxдан иборат экипаж бошқармоқда.

«Союз Т—13» кемасининг учиш программасида «Салют—7» орбитал илмий станцияси билан биргаликда ишларни бажариш кўзда тутилади. Станция Ер атрофи орбитасига чиққанига уч йилдан ошди. Ҳозир у консервация қилинган ҳолатда учмоқда.

Кема ичидаги системалар нормал ишлаб турибди, экипаж ўзини яхши ҳис этмоқда.

Космонавтлар Жонибеков ва Савиних учиш программасини бажаришга киришдилар.



### «СОЮЗ Т-13» кемасининг командири полковник Владимир Александрович ЖОНИБЕКОВ

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Владимир Александрович Жонибеков 1942 йил 13 майда Тошкент область Бўстонлиқ районидаги Искандар посёлкасида туғилган.

1965 йил Ейск олий ҳарбий учувчилар авиация билим юртини тамомлаганидан кейин ҳарбий ҳаво кучларида инструктор учувчи бўлиб хизмат қилди.

В. А. Жонибеков — 1970 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

1970 йилдан бери космонавтлар отрядида.

В. А. Жонибеков 1978—1984 йилларда тўрт марта космосга учди. У «Салют—6» ва «Салют—7» орбитал илмий станцияларида шунингдек Монголия, Франция космонавтлари иштирокида ўтказилган икки халқаро ташриф экспедициялари экипажларининг командири бўлган.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Владимир Александрович Жонибеков катта ижтимоий-сиёсий ишларни олиб бормоқда.

### «СОЮЗ Т-13» кемасининг борт инженери Виктор Петрович САВИНИХ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Виктор Петрович Савиних 1940 йил 7 март куни Киров область Оричевский районидаги Березкини қишлоғида туғилган.

У Пермь темир йўл транспорти техникумини тамомлаган, Совет Армияси сафида хизмат қилган.

В. П. Савиних 1963 йилдаң Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

1969 йил Москвадаги геодезия — аэрофотосъёмка ва картография инженерлари институтини тамомлаганидан кейин конструкторлик бюросида ишлади. Виктор Петрович космик аппаратлар учун приборлар ишлаб чиқиш билан шуғулланди, космик кемаларнинг учишини бошқаришда қатнашди.

В. П. Савиних 1978 йилда космонавтлар отрядига қабул қилинди. 1981 йилда «Салют—6» станциясида асосий экспедициянинг борт инженери сифатида космосда 75 кун давомида учган.

## Т. Живков СССРга келди

**НОВОСИБИРСК, 5 июнь.** (ТАСС). КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг таклифига биноан БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков дўстона амалий визит билан бугун Совет Иттифоқига келди.

Шу куниёқ у Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган сибирлик жангчиларга ўрнатилган Шуҳрат ёдгорлигини зиёрат қилди, Мангу олов пойига гуллар қўйди.

## ШЕЪРИЯТ БАЙРАМИ

Александр Сергеевич Пушкиннинг шеърияти ҳамма халқларга яқин ва тушунарлидир. Шоирнинг ўчмас сатрлари совет кишиларини жанговар ва меҳнат жасоратига илҳомлантириб келди. Шоир асарлари билан ҳар бир янги учрашув ёрқин, ҳаяжонли байрамга айланади. Яна Ўзбекистон заминида анъанавий Пушкинхонлик бошланди. 6 июнь куни Тошкентда буюк шоир ҳайкали олдида, унинг номи билан аталувчи майдонда Пушкинхонликнинг тантанали очилиши бўлди.

Ўзбекистон шоирлари ўзларининг янги сатрларини Пушкинга бағишладилар. Унинг ўзбек тилига таржима қилинган янги асарлари, куйлар, қўшиқлар янграйди. Ҳайкал пойига кўпдан-кўп гуллар қўйилди.

Республика пойтахтида бошланган Пушкин шеърияти байрами Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам бўлиб ўтади. Ишчи ва қишлоқ клубларида, олий ўқув юртлари ва мактабларда адиблар билан учрашувлар ўтказилади, халқ шоирининг ўлмас сатрлари янграйди.

(ЎзТАГ).

## ЧОРВА ОЗУҚАСИ МЎЛ БЎЛСИН!

**Ўзбекистон ССРда ем-хашак тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1985 йил 3 июнгача бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

**Планга нисбатан процент ҳисобида**

(Биринчи устун — областлар, иккинчи устун—жами хашак, учинчи устун — шу жумладан пичан, тўртинчи устун — витаминли ўт талқони)

| | | | |
|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон АССР | 3 | 7 | 0,1 |
| Областлар: | | | |
| Андижон | 15 | 18 | 1,8 |
| Бухоро | 1 | 16 | 0,9 |
| Жиззах | 17 | 30 | 54 |
| Қашқадарё | 17 | 13 | 1,6 |
| Навоий | 7 | 13 | 1,2 |
| Наманган | 16 | 16 | 2,6 |
| Самарқанд | 28 | 26 | 1,6 |
| Сурхондарё | 30 | 18 | 7,0 |
| Сирдарё | 30 | 31 | 1,5 |
| Тошкент | 27 | 17 | 9,1 |
| Фарғона | 16 | 15 | 1,1 |
| Хоразм | 8 | 8 | — |
| Жами | 18 | 17 | 5,2 |

## ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

### ● МОСКВА

**М. И. Калинин номидаги ип йигириш-мовут фабрикасининг эски ва янги корпусларини боғловчи транспортер ишлаб чиқариш жараёнини тезлатибгина қолмай, ишчиларнинг қўлини ҳам бўшатди.**

**Яқиндагина бир кунда тайёрланган калава янгитдан қурилган ўров цехига аравачаларга солиб, қўлда тортиб келинарди. Касаба союз активлари киши ресурсларидан шу тахлитда фойдаланиш рационал эмаслигини эслатдилар. Уларнинг ташаббусига биноан фабрика ишчилари оригинал транспортер пойиҳасини ишлаб чиқдилар-ки, энди у калавани янги цехнинг иккинчи қаватига чиқариб бермоқда. Ҳатто лифтларга ҳам эҳтиёж бўлмади.**

### ● НОВОКУЗНЕЦК

**Хушбичим озода кийинган киши меҳмондорчиликдагина эмас, домна печи, прокат стани ёнида ҳам ўзини яхши сезади. Ғарбий Сибирь металлургия комбинати касаба союз комитетининг аъзолари шундай деб ҳисоблайдилар. Комитет қарорига биноан заводда жомакор салони очилди.**

**Жомакор олган ҳар бир киши шу ернинг ўзида уни ўз бўйига мослаб беришларини, фасонини ўзгартиришларини, иссиқроқ қилиш ёки аксинча юпқароқ қилиб беришларини сўраши мумкин.**

### ● ҚИРҒИЗИСТОН

**М. В. Фрунзе номли Қадамжо сурма комбинати меҳнаткашлари учун Иссиқбулоқ теварагида соғломлаштириш зонаси қурилди.**

**Сув сунъий кўлга йиғилди ва унинг марказида дов-дарахтли орол пайдо бўлди. Бу ерда дам олувчилар шифобахш балчиқ ваннага тушадилар. Кўл соҳилларида пляжлар, бостирмалар қурилди. Атрофида боғ барпо этилди.**

**Корхонанинг касаба союз комитети табиий шифохонани муҳофаза этиш чораларини кўриб қўйди: бу ерга автомашиналарда кириш тақиқланди, гулхан ёқиладиган жойлар белгилаб қўйилди.**

(ТАСС).

